



Telegram: @buxdu\_uz

Instagram: @buxdu1

Facebook: @buxdu1


Website: www.buxdu.uz

**6/2024**

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University



## **BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI**



**6/2024**

**MUNDARIJA \*\*\* СОДЕРЖАНИЕ \*\*\* CONTENTS**

**ADABIYOTSHUNOSLIK \*\*\* LITERARY CRITICISM \*\*\* ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

<b>Муродов Ф.Н.</b>	Гуманизм ва бадиий тафаккур уйгунлиги	3
<b>Хамдамов У.А.</b>	Фитрат шеъриятида жадидчилик гояларининг акс этиши	9
<b>Babayev M.T.</b>	Jaloliddin Rumiyning "Masnaviyi ma'naviy" manzumasidagi masallarda hayvonlarning antropomorfizmi	13
<b>Bozorova R.Sh.</b>	O'zbek va nemis folklorida suv talqini	18
<b>Chorieva M.J.</b>	The rational perception of the "Pride" in Jane Austen's "Sense and sensibility"	24
<b>Дармонов И.К.</b>	Шомон мўъжизалари хакидаги афсоналар	30
<b>G'aniyeva N.G'.</b>	Amerikada "rezistans" adabiyoti: Maya Anjelou she'rlari misolida	34
<b>Qurbanova N.R., Ikromova N.I.</b>	Ted Hyuz ijodi adabiy tanqidchilar nighida	41
<b>Iskandarova Sh.U.</b>	Badiiy adabiyotning epistemologik qiymati	45
<b>Khudoyorova N.B.</b>	The main characteristics of the english enlightenment literature	50
<b>Mizrabova J.I.</b>	Uilyam Shekspir ijodi va uyg'onish davrining xalq madaniyati	58
<b>Narziyeva S.D.</b>	Samandar Vohidov uhroviy mazmundagi she'rlarining meditativ va elegiyaviy xususiyatlari	63
<b>Qosimova N.F.</b>	Tarjimaga kognitiv yondashishda ongli va avtomatik jarayonlar hamda intuitsiyaning mohiyati	68
<b>Salixova N.N., Luqmonova N.B.</b>	Tarjima tarixi va tarjimonlik faoliyati	73
<b>Temirova F.O.</b>	Bolalar latifalarining o'ziga xos jihatlari va mezonlari	77
<b>Tursunova S.U.</b>	Psychologism of a female character in Zulfiya Kurolbay's story "Woman"	82
<b>Ахматов А.А.</b>	Положение эпического искусства и искусства наказаний в Кашкадарьинском оазисе	86
<b>Каримова Д.Х.</b>	Немис ва ўзбек адабиётида адабий эртак такомилининг асосий омиллари ва манбалари (Ака-ука Гримм эртакларининг ўзбекча таржималари мисолида)	90
<b>Farmanova D.A.</b>	Ethnopoetics in english and uzbek novels	94

#### ГУМАНИЗМ ВА БАДИЙ ТАФАККУР УЙГУНЛIGИ

Муродов Гайрат Некович,  
Бухоро давлат университети профессори,  
филология фанлари доктори,  
[taraqqiyot21@mail.ru](mailto:taraqqiyot21@mail.ru);

**Аннотация.** Мақолада Алишер Навоий ва Александр Пушкин ҳамда Иоганн Вольфганг Гете ижодиети сүз санъатидаги гуманизм тамойили ҳамда адабиётлараро бөгленишлар нүктай назаридан үрганилган. Шу асосда улар ижодиети устувор мотивлар ёритилган, асарлари орасидаги мұштарақтык ва тафовутлар күрсатылған.

**Көзімдегі сұздар:** гуманизм, жаңон адабиёти, инсонпарварлық тамойили, умуминсоний бадий гоя, комил инсон тымсоли, ода, жаңон адабиёти, мутафаккир, түркій адабиёт, олмон сүз санъати, компаративистика, афоризм.

#### ГАРМОНИЯ ГУМАНИЗМА И ХУДОЖЕСТВЕННОЙ МЫСЛИ

**Аннотация.** В статье рассматривается творчество Алишера Навои, Александра Пушкина и Иоганна Вольфганга Гете с точки зрения принципа гуманизма в искусстве слова и межлитературных связей. На этой основе выделены основные мотивы в их творчестве, показаны общие черты и различия между их произведениями.

**Ключевые слова:** гуманизм, мировая литература, принцип гуманизма, универсальная художественная идея, совершенный образ человека, ода, мировая литература, мыслитель, турецкая литература, немецкое словесное искусство, компаративистика, афоризм.

#### HARMONY OF HUMANISM AND ARTISTIC THOUGHT

**Abstract.** The article examines the work of Alisher Navoi, Alexander Pushkin and Johann Wolfgang Goethe from the point of view of the principle of humanism in the art of words and interliterary connections. On this basis, the main motives in their work are highlighted, the common features and differences between their works are shown.

**Key words:** humanism, world literature, principle of humanitarianism, universal artistic idea, perfect human image, ode, world literature, thinker, Turkic literature, German literature, comparative studies, aphorism.

#### I. Уйгу **гуманизм**[1]

**Кириш.** Гуманизм (инсонпарварлық) бадий адабиёттинг субстанцияси, асосидир. Биз бу фикр исботини башарият адабий тафаккурининг бошланғич давлардағы яратылған бадийт намуналари, хусусан, эпос намуналарыда аник-ёркін күришими мүмкін. Бундай гуманистик мұносабат авваламбор инсонлық жамиятларига улкан ҳалокатлар келтирүвчи, минг-минглаб одамларнинг ҳалок этилишига сабаб бўлувчи уруш-киргиңларни инкор этишда кўринади. Кадимий эпопеяларнинг окил ва комил каҳрамонлари ("Маҳобхорат"да Юдхиштхира, "Рамаяна"да Рама, "Илиада"да Ахиллес, Одиссей) биродаркүшлика олиб келувчи адолатсиз жант-жадалларга қарши бўлғандар. Шунингдек, зулм-истибдол, адолатсизлик, зўравонликни рад этиш, эрк-озодлик, тенглик, адолатпарварлық, инсонпарварлықни тарғиб этиш каби олижаноб сый-харакат, фаолият кабилар хам гуманистик тафаккур моҳияти, бурч ва мезонларини ўз қамрови доирасида ифода этади.

Жаҳон адабиёттинг улкан намояндадары томонидан яратылған бадийт намуналарыда мөхварида хамиша инсонпарварлық мағкураси туради. Бу фикр исботини Шарқ Уйғониш даври мутафаккири Алишер Навоий ва "рус шеърияти куёши" деб таърифланған Александр Пушкин ижоди мисолида хам яққол кўриш мүмкін.

**Асосий қисм.** Ҳазрат Навоий инсонга баҳо бериш, унинг шариф ва мукаррамлигини таъкидлашса биринчи навбатда илохий-исломий манбалар – Куръони Карим ва Ҳадиси шарифларга асосланған. Буюк сүз санъаткори ана шундай мўътабар асослар ёрдамида инсон шахсига ёндашади ва баҳо беради:

## LITERARY CRITICISM

Офаринишидин қилиб инсон гараз,  
Они айлаб халқ ичинда безавас.  
Кўнглин онин маҳзани ирфон қилиб,  
Ул тилемс ичра ўзин пинҳон қилиб.  
Рози маҳфий ганж ўлиб бу турфа жисм,  
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилемс (1: 9).

Бутун оламни яратишдан кўзланган мақсад инсон бўлиб, у ҳам мавжудот ичида тенги йўқдир. Инсон кўнглини турили илмлар хазинаси килди ва бу тилемс ичида Тангри ўзини яширди. Инсоннинг ажойиб жисми бир маҳфий сир хазинаси ўлароқ ўзида ана шу ганж тилемсимини саклади (2: 12). Сўфийлик фалсафасида Аллоҳ инсон калбидан ўзини намоён қилиши кўрсатилган. Худди шундай ишонч юқорида келтирилган тўртинчи мисрада баён этилган. Оламлар яратувчиси коннот гултоғи бўлган одамга шу қадар азизлик мақомини берган, унга маҳлуклар орасида мумтоз ўрин ато қилган экан, олам юзага келгандан киёматтага қадар унинг мана шундай шарафи, иззати хамиша баланд даражада саклаб турилиши лозим. Шундай экан, Одам болаларига жабр-ситам етказилиши, ундаги муқаддас ҳукукларнинг паймол этилишига асло йўл кўйиб бўлмайди. Мана шундай умуминсоний бадий ғоя инсонпарвар сўз санъаткорининг нафакат “Лисонут-тайр” достони, шунингдек, барча асарларида ўзининг ифодасини топган. Хусусан, инсон, башариятга бундай муносабатни “Хамса” таркибидағи иккинчи достоннинг етакчи қаҳрамонида яққол кўрамиз. Шоир томонидан комил инсон тимсоли тарзида барпо этилган бу қаҳрамон тафаккури, савй-харакатлари, руҳий-маънавий олами муқаммал инсонпарварлик концепцияси асосида юзага келтирилган. У ёшлигига дейдик улкан империя ҳукмдорининг яккаю ягона фарзанди – валиахд бўлишига қарамай, бир канча ҳунарларни ўрганишини лозим деб билади. Зоро, ҳазрат Алишер Навоий мансуб бўлган накшбандия тариқати тақозосига кўра ҳар бир одам тириқчилигини бирорлар хисобидан эмас, ўз меҳнати, ўрганган касби-кори орқали ўтказиши лозим бўлган. Шундай нуқтаи назар “Хайратул-аброр” достонида келтирилган Хотами той ҳикоятида ҳам илгари сурилган. Асарда оддий бир ўтичининг ҳиммати, яъни ҳалол меҳнат билангина ризқ-рўз топишини афзал билиши юзлаб одамларга мўл-кўл зиёфат берган Хотамнинг саховатидан устунлиги кўрсатилган.

Фарход образидаги теран гуманизм унинг жамийки хатти-харакатларида ифода этилган. У босқинчи Хусравнинг сон-саноқсиз қўшинини бир ўзи тог йўлида анча муддат тўхтатиш турар экан, шаҳаншоҳ аскарларини тошлар отиб кириб ташлашни лозим топмайди. Унинг зътиқодига кўра, бу навкарлар арман юртига ўз ихтиёрларига кўра эмас, золим подшоҳнинг ҳукмига асосан келгандар. Уларнинг оиласи, бола-чақалари бор. Бинобарин, бундай кишиларни ўлдириш инсониятга қарши харакат – зулмдир. Шуниси зътиборга лойикки, Фарходнинг бундай олисаноблиги жавобсиз қолмайди. Чин шахзодаси макр-ҳийла туфайли банди этилиб, ўлимга маҳкум қилингач, Хисрав аскарлари жим турмасликларини, ўзларига раҳм-шафқат кўрсатган баҳодир йигитни муҳофаза қилишга тайёрликларини билдирадилар. Исёндан кўрккан мустабид шоҳ ўлим жазосини бекор қилишга мажбур бўлади.

Тасаввуф, хусусан, яссавия тариқатидаги зулмга зулм орқали эмас, ззгулик, ибрат, фидонийлик орқали жавоб қайтариш ақидаси Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги Қайс образида ҳам бадий тажассум этилган. Ошиқликнинг муқаммал тимсоли сифатида яратилган бу қаҳрамон хаётининг меҳвари сифатида факат Лайлини кўради. У Лайли ёдисиз бир лаҳза ҳам яшай олмайди. Аслида унинг бу қизга бўлган ишқи илоҳий моҳиятга зга. Қайсни ишқ дардидан фориг этиш учун уни Каъба зиёратига олиб борадилар. У муқаддас маскандан Яратгандан муҳаббатдан мосуволикни эмас, аксинча, қалбидаги Ишқ оловини янада кучайтиришни сўрайди. Бандай муножот Қайснинг ўзи кирган йўлда событигини кўрсатади.

Араб саҳросидаги мўътабар инсонлардан бўлган Навфал ёрига содиқлиги туфайли минг бир азоб-уқубатта дучор бўлган бечора йигитта ёрдам бериш – уни маҳбубасига қовуштириш учун Лайли қабиласига қарши урушга киради. Жангда адолат тарафдори Навфалнинг кўли баланд кела бошлайди. Аламзода қабила аёnlари Лайлини ўлдириш, шундан кейин қочишга қарор қиласидилар. Лайли Мажнуннинг бир узви, бу икки қалб бир бир бутуниликда бўлгани сабаб Қайс бу машъум қарордан воқиф бўлади. У маъшуқаси хаётини саклаб қолиш, шу билан бирга, бегуноҳ кишиларга ҳатар солаётган урушни тўхтатиш учун Навфалнинг кизига уйланишга рози бўлади. Ўзини эмас, ўзгаларни ўйлаш, шахсий бахтсизлиги хисобига бўлса-да, кўпчилик манфаатини устун кўриш гуманизмнинг асоси, ўзак масаласидир. Шу боисдан сўз соҳибқирони “Менга қилса минг жафо бир қатла фарёд айламам, Элга қилса бир жафо минг қатла фарёд айларам” мисраларидағи қарашни хаётларининг устувор шиори деб билган.

## LITERARY CRITICISM

Табиийки, жаҳон адабиёти тарихида ёркни халқпарвар ижодкорлар инсонпарварликка зид бўлган ҳар қандай иш – зулм, мустабидлик, ёвузлик ва мунофикаликка карши бўлғанлар. Бу фикрнинг Алишер Навоийнинг бутун ҳаётини ижоди мисол бўла олади. У “Ҳайратул-абор” достонининг адолатсиз подшоларга бўлган икор нуктаи назарларини юксак пафосда ифода этган:

Бил муниким, сен даги бир бандасен,  
Кўпрагидин ожизу афгандасен.  
Эрмас алар тупрогу сен нури пок,  
Хилкат аларгау сенга тийра хок (5: 142).

Мазкур мисраларда ҳакпарат шоир кибрга берилиб, одамийликни унугланган золим салтанат сохибларини қоралаган. Навбатдаги байтлардан маълум бўлишича, Тангри таалло барча инсонларни тенг яратган, шундай экан, ўзни ўзгалардан устун қўйиш нодонликдир. Аслида оддий одамлар хунар, камолот, ҳулки хуш, лутфи мақол, адолат, инсоф, ҳалимлик, ҳаё, шар тарики, ибодатда ўша кибрли тождорлардан устун турадилар. Шундай экан, фиръавимонанд бундай кимсалар тавба қилишлари, ҳак йўлига киришлари шарт. Йўкса “Уларнинг ватани муттасил дўзах ародур”.

Гуманизм умуминсоний, бинобарин, умумадабий таълимотдир. Шундай экан, инсонпарварлик қарашлари жаҳон сўз санъатининг буюк намояндадари ижодининг ҳамиша марказида турган. Инсонпарварлик ғояларидан чекинган ёхуд унга хиёнат килган қалам сохиби нечоғлик донгдор, истеъододли бўлмасин, ўз-ўзидан буюклик мақомидан маҳрум бўлади.

Жаҳон адабиётида инсонпарварлик мағкурасини янада юкори бир погонага кўтарган шоирлардан яна бири, айтганимиздек, озодлик куйчиси Александр Пушкиндири. Унинг ижодини Алишер Навоий бадиий мероси билан биринчи навбатда ҳаётини инсонга инсонпарварлик рутбасидан туриш караш ўзаро боғлаб-яқинлаштириб туради.

Таникли адабиётшунос Иннокентий Анненскийнинг ёзишича, Пушкин гуманизми юксак даражадаги ҳодиса эди. Инсонпарварлик Пушкиннинг хос шахсиятидаги тұғма хусусият бўлган (4). Чиндан ҳам улуғ қалам сохибининг барча бадиий яратмаларида Инсонга эхтиром пафосининг нурланиб-жилоланиб турганинни кўриш мумкин. Унинг “Эркинлик”, “Аракчеевга” “Чаадаевга атаб”, “Сибирга мактуб” шеърлари инсонпарварлик түйгулари билан йўғилган эрк, озодлик садолари, зулм ва жаҳолатга нафрат кайфияти ифодаланган.

Маълумки, А.С. Пушкин Россияда крепостной (қарамлик) тузум мавжуд бўлган, ҳалқ эркин паймол этилган бир даврда яшаб ижод қилган. Ўша замон ижтимоий мухитига хос қолоқлик, илмисизлик, адолатсизлик кабилар шоир қалбидаги норозилик, исёнкорлик түйгуларини жунбушга келтирган. Бундай кайфиятни унинг “Эркинлик” шеърида аниқ кўрса бўлади:

Қай томонга назар ташламай, эвоҳ,  
Темир кишанлар-у, зулм камчилари;  
Конунлар хатарли, конунлар расво,  
Эрксизликнинг ишор ёш томчилари (3: 103).

Шеър (ода)нинг навбатдаги мисраларида ёзилганидек, ҳар ёнда ҳаксизлик, зўрлик ҳукмрон: уюган хурофот – куюқ мавхумот, Кулликнинг дахоси кўркинч ўлтирган, шонларни бўғади шум хирси, хайҳот(3: 103).

Шоир оданинг бешинчи ва якуний бандларида ҳукмдорларга мурожаат қилиб, Конуннинг улардан ҳамиша устун туришини таъкиждлаган. Шеърда ёзилишича, подшохлар ҳалқдан юкорида туришига қарамасдан, мангу конун улардан юксакдир. Қачонки улар адолатли конунларга амал килар эканлар, уларнинг тож-тахти омонлика, мустахкам бўлади. Акс холда “на хилват зиндоинлар, нада саждагоҳ Бўлар сизга содиқ қалкон ё паноҳ”.

Мазкур назм дурданасида рус ижодкорининг ҳукмдорларига муносабати Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-абор” достонидаги қарашларига яқин ва ўхшаш: икки асарда ҳам салтанат эгаларига хос мустабидлик ва такаббурлик кораланган, улар инсоф ҳамда диёнатта чорланган, акс холда оқибат фожиали ва мудхиш бўлиши айтилган.

А.С. Пушкиннинг 1818 йили ёзган “Чаадаевга атаб” шеърида озодликни қўмсанш, унга ишонч кечинмалари бадиий ифода топган:

Ошиқ йигит ширин висол дамини  
Зориқиб кутгандек бўлиб ниғорон –  
Муқаддас озодлик минутларини

Ишонч-ла кутамиз энтишиб ҳамон (3: 108).

Албатта, ўн бешинчи аср Шарқ фарзанди бўлган Алишер Навоий ва ўн тўққизинчи асрда ижод қилган Александр Пушкиннинг бадиий дунёқарашларида ижтимоий адолат, инсонпарварлик, хурлик

борасида уйгунлик мавжуд бўлса-да, замон, худуд тафовутидан келиб чиккан муайян тафовутлар хам мавжуд. Ҳазрат Навоининг эътиқодига кўра, мамлакатни бошқариб турган тож эгаси адолатли бўлса, ҳалқка меҳр-окибат кўрсатса, улус омонликда бўлиб, юрт фаронликка юз тутади. А.С. Пушкин бадий тафаккурида хам шунга монанд нуктаи назар мавжуд эканлигини унинг “Эркинлик” одаси мисолида кўриб ўтдик. Бирор, рус шоири Европада XVII-XVIII бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий галаёнлар – монархияларнинг кулаб, уларнинг ўрнига замонавий бошқарув – конституцион тузумлар юзага келганини боис Россияда хам шундай сиёсий тизим бўлишини орзу қилди. Бу шоирнинг шахсий тилак-идеалигина бўлмай, замондошлари – декабристларнинг бош максади эди.

Шеърият султони Алишер Навоий ва поэзия қўёши Александр Пушкин бадий дунёкараши ва бадий асрларида орасидаги яқинликлар, алоқа-муносабатлар адабий таъсир натижасида юзага келмаган. Жаҳон сўз санъатидаги умумтиологик хусусиятлар, биринчи нафбатда бадий адабиётнинг руҳий-маънавий қуввати хисобланган инсонпарварлик тамойили икки даҳо – шеърият титанлари бадий изходидаги муштарак жиҳатларни юзага келтиришга хизмат килган.

### II. Тафаккур муштараклиги

Хар бир даҳо изходкор – ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган, янги, кутилмаган, юксак фикрлаш тарзи билан бошқалардан аник ажralиб, фаркланиб турадиган феномен ходиса. У мана шу каби сифат хусусиятлари билан адабиёт тарихига киради, асрлар, даврлар ўтса хам минг-минглаб бадий сўз муҳибларини ўз адабий-эстетик оламига чорлаб, жалб этиб тураверади. Аммо яна бир ҳакикат хам борки, унга кўра сўз санъаткори нечоғлик юксак истеъоддога эга бўлмасин, барибири, кўплаб ришта-муносабатлар билан ўзидан олдинги ва кейинги изходкорлар билан бояланади. Айнан мана шу конуният ер юзидағи барча ҳакиқий қалам соҳиблари изходини бир марказга тўплаб, жаҳон адабиёти деб аталағидиган ноёб ягона адабий оламни юзага келтиради.

Дунё бадииятининг икки буюк намояндаси – Алишер Навоий (1441-1501) ва Иогани Вольфганг Гете (1749-1832) хаёти ва изходини компаративистик тарзда кузатганимизда, мана фикр исботини кўриш мумкин.

Дастлабки карашларда тафовутлар кўзга ташланади: туркий шеърият соҳибкорони – Шарқ (Ўрта Осиё) исломий мухити вакили. Ўз даврининг анъанавий жанрларида изход этган. Олмон сўз санъати вакили бўлган Гёте эса ўз асрларида ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярми хамда ўн тўққизинчи аср бошларидағи Европа адабиётига хос бадий шаклларда изход қилган ва ўша замон ва макон тафаккуруни ўз изходида мужассамлаштирган.

Бундай фарқ-ўзгачаликларга қарамай, уларнинг хаёти, шахсияти, изходиёти орасида бир канча ўхшашлик ва алоқа-богланишлар борки, биз ушбу мухтасар ишимизда улардан айримлари ҳакила фикр юритмоқчимиз. Булар, кузатишларимизга кўра, куйидаги аломатларда кўринади:

**1. Мутафаккирик.** Муайян бир миллий адабиётда, ҳатто жаҳон миқёсида танилган кўпгина изходкорлар борки, улар сўз санъаткори тарзида эътироф этилган, аммо уларга нисбатан “мутафаккир” лисоний бирлиги кўлланилмайди. Одатда Йирик, комусий билим эгалари – алломаларга нисбатан ишланиладиган бу сўз тилимизга арабчадан кирган бўлиб, унга “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да шундай таъриф берилган: “Чукур фалсафий фикрлаш истеъоддига эга бўлган киши, тафаккур эгаси” (8, 654). Жаҳон адабиётининг Ҳомер, Ҳофиз, Ҳайём, Сайдий, Алишер Навоий, Бедил, Гёте, Толстой сингари буюк намояндадаригина мутафаккир макомига лойик кўрилганлар. Мутафаккирик илохий, шу билан боялик табиат, жамиятта оид туб конуниятларни билиш, уларнинг моҳиятига етишга сайд-жадал қилиш, олам, коинот миқёсида фикрлаш, ўз замон-макони тафаккуридан бир неча марта илгарилаб кетиш демакдир. Биз бундай хусусиятларни ҳазрат Алишер Навоий ва Гёте шахси хамда бадий-маънавий меросида кўришимиз мумкин.

Алишер Навоий ҳакидаги ишларда бу калима баъзан “мутафаккир ва шоир” бирикмаси таркибida кўлланилган. Бунда унинг илм-фанга оид ишлари (“Мезонул-авzon”, “Муҳокаматул лугатай”, “Тархи мулуки Ажам” каби) тадқикотлари назарда тутилади. Баъзан эса “мутафаккир шоир” сифатида тилга олинади. Бундай ҳолатда унинг теран фикрлари шеърияти, бадий мероси доирасида ифода топғанлиги англашилади. Бу карашга устоз санъаткор асрларидан юзлаб мисоллар келтириш мумкин: “Ҳазон сипаҳига, эй боябон, эмас монеъ, Бу боя томида чу игнадин тикан қилғил” – бу байтда умринг ўткинчилиги, дунё ҳодисалари, ажойиботларнинг муваккат эканлиги, инсон тириклигидәёқ ўзини бокий ҳаётга тайёрлаб бориши зарурлиги ҳакидаги караш истиоравий тарзда ифодаланган.

Улут ҳаким ва файласуф Ибн Сино бир рубойисида: “Кора ер қаъридан то авжи Зухал, Коинот сирларин барин қилдим ҳал” деб ёса, ҳазрат Навоининг “Ҳамса”си қаҳрамонларидан бири Фарҳод: “... ҳар ишики қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод. Улум ичра менга то бўлди

## LITERARY CRITICISM

мадхал, Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал", - дейди. Шарқ Ўйғониш даври мутафаккирлари инсонга Парвардигори олам томонидан улкан имкониятлар берилгани ва у ҳар кандай мушкул вазиятта ҳам ақл-идрок кучи билан улкан ишларни амалга ошира олишини билгилар. Лекин улар ўн тўқкизинчи-йигирманчи асрнинг материалист олимларидан фаркли равишда инсоннинг тафаккур даражаси қанчалик юксак бўлмасин, у барибир чеклангаслигини ҳам англашган. Худди шу сабабга кўра Ибн Синонинг лирик қаҳрамони: "Ҳар мушкул тутунини ечдим, англадим, Ечилмай колгани биргина ажал" деса, "Лисонут-тайр" ровийси: "Айлагач дойир тўқиз афлокни, Қосир етти фаҳмидин идрокни" (2.7), - деб хитоб қиласди.

Гётенинг кўп киррали адабий-маърифий меросини кўздан кечирганимизда ҳам, унга иисбатан "мутафаккир" бирлигининг юкорида кўрсатилган икки киррасини кўллаш мумкин эканлигини кўрамиз. Биринчи жихат бўйича фикримизни тасдиқлаш учун биргина далил келтириш билан чекланамиз. Маълумки, ўн тўқкизинчи асрнинг эстетика, адабиётшунослик "жаҳон адабиёти" тушунчасига зга бўлмаган. Нафакат Гарб, шунингдек, Шарқ адабиёти намуналарини чукур ўргангандан немис мутафаккири 1829 йилда ёзган маколасида (6, 415) жаҳон адабиёти тарихини яратишнинг зарурати ва мукаррарлиги хусусида ёзган эди.

Мутафаккирлик камрови ва теранлиги Гётенинг нафакат илмий-назарий ишлари, шунингдек, унинг бадний ижод оламида ёрқин намоён бўлган. Бундай жихатни, айниқса, унинг "Фауст", "Гарбу Шарқ девони" асарларида кўриш мумкин. Хусусан, "Фауст"даги бадний тафаккур Замин ҳудуди билангина чегараланмайди. Шоирнинг синчков нигоҳи бутун коннотни, шу илохий ҳудуддаги энг олий мақом – Арши аълони ҳам камраб олади. Бу фикрни "Арши аълодаги дебоча" таркибида кирган куйидаги мисралар тасдиқлайди:

Мусикий самовот қабатларида  
Азалий йўлидан еларкан шитоб –  
Гулдурос таратиб фалак қаърида  
Овоз бермоқдадир жаҳонга офтоб.  
Хайрат нигохини тикмиш малаклар,  
Ажабким куч бермиш белгисиз дунё.  
Яратиш онидан то бу лам кадар  
Мангу мушаррафдир сунты таюло (7,23).

(Эркин Воҳидов таржимаси).

Мазкур дебочада мутафаккир шоир тарафидан одам ва бутун оламларнинг буюк яратувчиси Парвардигор образи нийоятда ёрқин ва жозибали яратилганки, бу мислсиз истеъод соҳиби Гётенинг илохий-маърифий дунёкарашининг нечоғлик мустаҳкам пойлевор асосига курилганини кўрсатади.

**2. Ҳикмат айтишга мойиллик.** Аслида икки улкан адаб шахсияти ва бадний иходидаги бундай хусусият биз юкорида кўрсатган мутафаккирлик фазилати билан чамбарчас боғлик. Чунки теран тафаккур мангулилкка даҳлдор мулоҳазаларнинг юзага келишига имкон яратади.

Ҳазрат Навоий назмий ва насрый меросида инсониятга ахлоқ ва комиллик дарслиги сифатида хизмат қиласиган юзлаб ҳикмат (афоризм)лар мавжуд. "Нокасу ножинс авлодидин одам бўлсин дебон, Чекма заҳмат, яхши бўлмас ҳеч касофат олами. Ким кучук бирла ҳўтиқни қанча қилма тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одаме". Фитрати, аслиятида ёмонлик мавжуд кимсанни тарбиялаш – имконисиз иш. Қанча харакат қилсанг ҳам натижга бермайди. Шу сабабдан тарбияни эътиқоди соглом инсон болаларига қартиш лозим деган фикр мазкур шоҳбайтларда бадний ифода этилган. Алишер Навоий ҳикматларида вафо, садоқат ("Ким қилди катиқликда вафо фош санга, Ул бўлди ҳақиқат ичра кардош санга"), камгапликнинг манфаати ("Сўздин кишиким гаму бало хосилилур, Ҳар нуктада тили деса бало доҳилилур"), меҳмондўстлик ("Меҳмоннинг меҳрин асрагил жон ичра, Несъмат калин айла хони эхсон ичра"), имон асослари (хаёв, вафо, саҳо), адабнинг афзалигиги ("Зевар кишига не тожу не афсар бил, Ул зевар адаб бирла хаёв дархар бил") каби инсоний фазилатлар зарурати акс этган.

Ҳикматгўйликка рағбат Гёте иходида ҳам аниқ кўринади. Унинг афоризмларида эрк, адолат учун кураш ("Кимки эрк, озодлик учун кун сайин Ўзини курашга ташласа тайин, Шу йўлни мардана ўтолса босиб, Эрку озодликка ўша муносиб"), кибр ва ёвузиликни коралаш ("Ким такаббур, эсда тут, дўст бўлмагай, Ким ёвуздир марди холис бўлмагай"), аёлга инсоний муносабат ("Аёлларга бўлгин мушфик, меҳрибон, Қовургага шикаст берма ҳеч качон"), ақл-идрокнинг буюк исьматлиги ("Зулматдан йўл топиб чиколур инсон, Унга чирок бўлур мен берган идрок"), инсоний дард,

## LITERARY CRITICISM

туйгулар қиммати (“Кимки юрагида шавқ билан яшар, Кимки алам чекар, ёнар, курашар, Ёру ҳамроҳ бўлсин юрагингизга”) мотивлари ифода топган.

Ҳикматнавислик куруқ насиҳатларни қоғозга тизиш эмас. Ҳақиқий ҳикмат (афоризм) – теран тафаккурнинг ўзал бадиий инъикоси. Бундай хусусият нафакат Навоий ва Гёте, умуман олганда жаҳон сўз саъатининг барча мутафаккир ижодкорларига хос муштарак хусусиятдир.

**Хулоса.** Сўз, ижод пайдо бўлган бүён кўлига қалам ушлаб қоғоз (пергамент, лойтахта, папирус...) коралаган минг-минглаб қаламкашлар ўтган. Аммо уларнинг жуда кўпчилигининг номи ва ёзганлари йўқсизлик қаърида ном-нишонсиз йўқолган. Юксак эътиқод, худодод истеълод, чин илҳом билан қалам тебратган сўз санъаткорлари яратган саноқли асарларгина асрларни ҳатлаб ўтиб бизгача етиб келди. Сехрли қалам соҳиблари Алишер Навоий ва Александр Пушкин ҳамда Иогани Вольфганг Гёте ижод намуналари ҳам мангулликка алокадор адабий-эстетик ҳодисалардир. Бу буюк сўз санъаткорлари ўз бадиий яратмаларининг нечоғлик қадр-кимматга эгалиги, улар кейинги авлодларга ҳам бирдек хизмат кила олишини билганлар: “Фалак кўрмади мен киби нодире, Низомий каби шеър ичра моҳире” (Алишер Навоий); “Яна чорлар мени илоҳий бир ун, Яна хаёлларга чулғанди бошим. Сабо арфасидек хазин ва сермунг Куюлар сатрлар, қани бардошим” (Гёте); “Кўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал кўйдим ўзимга, Халқнинг келар йўлини майса-ўтлар қилмас банд” (Александр Пушкин).

### АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий *Лисонут-тайр. Муқаммал асарлар тўплами*. Ўн ишқинчи том. - Тошкент: Фан, 1996.
3. Пушкин А.С. *Ташланган асарлар. Тўрт томлик. 1- том.* - Тошкент: Ўздавнашр, 1955.
4. И.Анненский. Пушкин и Царское село. <https://alexander-pushkin.ru/vyskazuvaniya-o-pushkine.html>.
5. Ўзбек адабиёти. *Тўрт томлик. 2-том.* - Тошкент: давлат бадиий адабиёт нашириёти, 1959.
6. Гёте И.В. *Собрание сочинений в деяти томах. Том 10.* - Москва: Художественная литература, 1980. - С. 415.
7. Гёте, Фауст. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашириёти, 1972. - Б.23.
8. Ўзбек тилининг изоҳли лугати 5 жилдли. Иккинчи жилд. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашириёти, 2006. - Б. 654.